O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 17 июнь ШАНБА

№ 47 (11.850)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ШҲТнинг юбилей саммитида иштирок этди

ШАНХАЙ, 15 июнь (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Бу ерда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги саммити бўлди. У Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов иштирок этди.

Учрашувда ШҲТни янада ривожлантиришга, Котибият, Минтақавий аксилтеррор тузилма ва Ишбилармонлар кенгаши фаолиятини такомиллаштиришга, аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Давлат раҳбарлари хавфсизлик муаммолари, дунёда ва ШҲТ минтақасида рўй бераётган воқеалар юзасидан фикр алмашдилар.

Кузатувчи ва таҳлилчилар мазкур саммит ШҲТнинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётганини, ташкилот ўзи қамраган кенг минтақада тинчлик ва тараққиётни таъминлашда муҳим ўрин тутаётганини намойиш этишини таъкидламоқда.

Президентларнинг тор доирадаги учрашувида ШҲТ доирасидаги ишлар аллақачон муҳокамадан амалиётга ўтгани таъкидланди. Хусусан, «уч ёвуз куч» – террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлик бўйича шу вақтгача уч маротаба қўшма машқлар ўтказилгани яхши мисолдир. Шунингдек, Тошкентдаги Минтақавий аксилтеррор тузилма воситаси билан кенг кўламда ахборот алмашуви йўлга қўйилганини, «ШҲТ-Афғонистон» мулоқот гуруҳи тузилганини таъкидлаш ўринли. Маълумотларга қараганда, Минтақавий аксилтеррор тузилма фаолияти туфайли 2005 йилнинг ўзида неча ўнлаб марта содир этишга киришилган террорчилик ҳаракатининг олди олинган.

Шанхай учрашуви халқаро сиёсатда муҳим аҳамиятга молик қатор масалалар муҳокама қилингани билан ҳам эътиборлидир. Дунёда унга кўрилган тайёргарлик ва саммитнинг ўзи диққат билан кузатиб борилди. Бунга эса ташкилот қисқа вақтда тараққий этгани, хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликни таъминлашга қодир халқаро тузилма сифатида шаклланганини асосий сабабдир.

Таҳдидлар ва хавф-хатарларни баҳолашдаги ёндашувларнинг уйғунлиги, хавфсизликнинг узвийлигидан келиб чиққан ҳолда ҳамкорлик қилиш аъзо давлатларни бирбирига янада яқинлаштиради. Мақсадларнинг муштараклиги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий муаммоларни ечишда ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳи ҳукм суришини таъминламоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик доирасида эса аъзо давлатлар ўртасида энергетика ва транспорт соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган қўшма лойиҳалар тузилгани диққатга сазовордир. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, аъзо мамлакатлар бу йўналишда икки томонлама ва кўп томонлама асосда ҳаракат қилмоқда.

Мажлисда Президентлар сармоявий ҳамкорлик, сув-энергетика захиралари, ерости ва ерусти бойликларидан унумли фойдаланиш, коммуникация ва ахборот тизимларини барпо этиш лойиҳалари, автомобиль, темир йўл магистралларини ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

ШҲТ саммити арафасида ҳукумат бошлиқлари, парламентлар раҳбарлари, хавфсизлик кенгашлари котиблари, мудофаа, ташқи сиёсат, иқтисодиёт ва ташқи савдо маҳкамалари раҳбарлари, савдо-саноат палаталари раисларининг учрашувларини ўтказиш анъанага айланган. Шанхай саммити доирасида бу сафар ишбилармонларнинг учрашуви ҳам ўтказилди. Президентлар Ишбилармонлар кенгашининг тузилишини маъқулладилар. Бу тузилма Банклараро уюшма ва Тараққиёт жамғармаси билан бирга иш одамларининг бевосита ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу йил 30 май куни Москвада ШҲТ давлатлари парламентлари раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтган эди. Унда олий қонун чиқарувчи органлар раҳбарларининг учрашувларини мунтазам равишда ташкил этиш борасида фикрлар баён қилинди. Президентлар бу ташаббусни ҳам маъқулладилар.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида ШҲТга

(Давоми 2-бетда).

Галла — 2006

Бу мавсум вилоятимиз ғаллакорлари зиммасидаги масъулият юки анча залворли. Улар 507700 тоннаник дон хирмонини бунёд этишга бел боғлашган. Шу боис, айни муҳим паллаларда ўрим-йиғим ишларининг уюшқоқлик билан олиб борилаётганлиги туфайли кунлик суръат тобора юксалаяпти.

СУРЪАТ КУН САЙИН ОШМОҚДА

Ўримга аввалдан пухта ҳозирлик кўриб, комбайнлар, шунингдек, дон ташувчи транспорт воситаларининг бир маромда, узлуксиз ишлашига эришилаётган, уларга кўрсатиладиган техник хизмат, ёқилғи-мойлаш ашёлари ва зарур эҳтиёт қисмлар таъминоти оқилона йўлга қўйилган, энг муҳими, мавсумга сафарбар этилганларга қулай иш шароитлари кўнгилдагидек ташкил этилган туманларда кунлик иш унуми, айниқса, юқори бўлмоқда. Хусусан, Чиноз ва Тошкент тумани ғаллакорлари бир кунда белгиланган режанинг 6 фоизи миқдорида дон тайёрламоқдалар. Бекобод, Зангиота, Қибрай, Қуйичирчиқ туманларида ҳам ҳар куни хирмонга салмоқли барака кирмоқда. Мавсумда бекободлик ғаллакорлар карвонбошилик қилишмоқда. Улар 16 июнгача зиммаларидаги режанинг 64 фоизини адо этиб бўлдилар.

Албатта, мавсумни тез ва соз якунлаб, элимиз ризқ-рўзини мисқолигача саранжомлаб олишда комбайнлар ҳамда касбининг устаси бўлган механизатор ва операторлар хизмати катта бўлмоқда. Вилоят ғалла штабидан олинаётган маълумотларга кўра, ҳар куни ғаллазорларда 260 га яқин ўрим агрегатлари, шу жумладан, 190 дан ортиқ «Кейс» комбайнлари юқори унум билан ишламоқда. Улар ёрдамида кунига 11000 тонна атрофида буғдой ўриб-янчиб олинаётир. Табиий иқлим туфайли ҳосил бироз кеч пишиб етиладиган минтақалар — Паркент, Оҳангарон туманларида, шунингдек, лалми майдонлардаги ғаллазорларга ҳам бирин-кетин ўроқ туша бошлагани давлат эҳтиёжлари учун дон тайёрлаш суръатларини янада оширмоқда.

Мавсумни кўтаринки руҳ ва катта уюшқоқлик билан бошлаган Бўка тумани ғаллакорларининг ғайрат-шижоати ҳам таҳсинга лойиқдир. Бу йил бўкаликлар 14520 гектар майдонда ҳар йилгидан мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдиларми? Кўпгина фермер хўжаликлари бирин-кетин режани бажармоқдалар.

— Мавсумда ортиқча сарсонгарчиликларга йўл қўйилмаяпти, — дейди тумандаги «Баҳриддин» фермер хўжалиги раҳбари Абдусамад Ражабов. — Барчанинг мақсади ўрим-йиғим ишларини тез фурсатда якунлаб олишга қаратилган. Хусусан, биз ҳам қарамоғимиздаги майдонлардан ҳосилни тезда йиғиштириб олиб, давлатга 40 тонна дон топширдик. Ҳосилдорлик салкам 60 центнерга етди.

Туман МТП жамоаси ҳам ўрим-йиғим ишларида ҳар томонлама фаоллик ва ташаббус кўрсатаётгани ғаллакорлар мушкулини осон қилмоқда. Мавсумга 250 дан ортиқ турфа транспорт воситалари ҳамда 30 та комбайн жалб этилган. Улар ёрдамида ғаллазорлардан кунига режанинг 4 фоизи атрофида ҳосил йиғиштириб олинмоқда.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: *«Баҳриддин» фермер хўжалиги раҳбари Абдусамад Ражабов (ўнгдан иккинчи) ўз аъзолари билан бошоқлар салмоғини чамаламоқда; Бўкалик «Кейс» операторлари Муқим Туробов ва Олимжон Туропов ўримда илғорлик қилишяпти.*

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

Болалар ёзи — 2006

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

Ёз фасли болажонлар учун ғоят мароқли мавсумдир. Сўлим табиат қўйнидаги оромгоҳлар эса, улар учун болаликнинг унутилмас лаҳзаларини улашади.

Мавсум муносабати билан яқинда касаба уюшмалари ташкилотлари вилоят бирлашмаси кенгаши Тошкент шимолий темир йўл вокзалида хоразмлик 420 нафар болани кутиб олди. Кўҳна Хоразмнинг 17 туманидан кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳамда Урганч меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан 20 нафари ташриф буюрди. Энди улар вилоятимизнинг энг сўлим оромгоҳларида 18 кун ҳордиқ чиқарадилар.

Тантанали кутиб олиш маросимидан сўнг хоразмлик болалар гуруҳларга бўлиниб, Ангрендаги «Коинот», «Йўлчи», Бўстонлиқнинг «Келажак», Паркентдаги «Сумча» ва «Бойчечак» ҳамда Пскентдаги «Тонг» оромгоҳларига йўл олдилар. Уларни оромгоҳларга бехатар кузатиб қўйишда «Тошвилояттранс» ва унинг ҳудудий бўлимлари, шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси шифокорлари муносиб ҳисса қўшишди.

Саид ҲАСАНОВ.

Бугун она-юртимиз Ўзбекистон ўзининг илдам қадамлари билан жаҳон майдонига янада дадилроқ кириб бормоқда. Бу қатъийликни фан ва саноатда, спортда, маданият соҳаларида эришилаётган ютуқлар ҳам кучайтирмоқда.

ҚОНУНЛАРИМИЗ ХАЛҚ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда барча жабҳаларни ислоҳ қилиш ва модернизациялашга қаратилган устувор вазифалар амалга оширилаяпти. Маълумки, ҳар бир йил Юртбошимиз томонидан алоҳида номланиши замирида ана шу соҳада ислоҳотни жадаллаштиришни таъминлаш ётади.

Хусусан, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида тиббиёт муассасаларини янада такомиллаштириш, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, айрим ҳудудларда шифо масканларини бунёд этиш ва жорий таъмирлаш ишларининг жадаллик билан олиб борилиши республикамизда айнан шу соҳани янада ривожлантиришга асосдир. Шунингдек, юртимиздаги саховатли ҳомийларнинг моддий ёрдами билан нафақат тиббиёт масканларини, балки, боғча-ю мактаблар, маънавият ва маданият ўчоқларини, маҳалла гузарларини, болалар ўйин майдонларини, йўлларни, кўп қаватли уйларни таъмирлаб, имкон доирасида жиҳозлар билан таъминлаш назарда тутилган. Бу жараён аллақачон ўзининг фаол палласига кирди. Республикамизнинг кўплаб ҳудудларида қурилиш, таъмирлаш, ускуналаш ишлари жадал суратларда давом этмоқда.

Ана шу салмоқли бунёдкорлик ишларига «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ ҳиссадорлик жамиятининг кўпмиллатли жамоаси ҳам ўзининг камтарона улушини қўшмоқда. Ҳомийлар ва шифокорлар йили давомида корхонамиз томонидан амалга оширилган ва ошириладиган ишларга назар соладиган бўлсак, йил бошида Оҳангарон туманидаги Бирлик ҳудудида икки қаватли шинам амбулатория, Олмаликда эса «Паҳлавон» бокс аренаси бунёд этилди. Ҳозир бу масканлар эл-юрт саломатлиги ва спортимиз ривожи йўлида хизмат қилаяпти. Бундан ташқари, Олмаликдаги учта, Ангрендаги иккита ҳамда

(Давоми 2-бетда).

МУНОСИБ УЛУШИ БОР

Вилоятдаги барча ширкат ва фермер хўжаликлари катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни тезда саранжомлаб олишга бор куч ва имкониятларини сафарбар этмоқдалар.

Хусусан, Оққўрғон туманидаги «Муқаддас» фермер хўжалигида бу мавсум 15 гектар ғаллазордан 63 тонна буғдой ўриб-янчиб олинди. Режадагидан 15-20 центнердан ошириб ҳосил кўтарилди.

СУРАТДА: *фермер Ҳамза Қодиров ва унинг ўғли Беҳзод ҳосил чўғидан мамнун.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

Фуқаролар йиғинларида сайлов

«ҲОКИМНИНГ АЙТГАНИ БЎЛАДИ»МИ?

Янгийўл тумани маркази — Гулбаҳорда ўтган маҳалла ва шаҳарча фуқаролар йиғинларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида янгиланаётган жамиятимиз демократик тамойиллари тўла намоён бўлди: на минбарларда айтилган гап-сўзлар, на йиғилишлар ҳайъатларида ўтирганларнинг «тавсиялари» сайлов босқичларида фуқароларнинг хоҳиш-иродасига таъсир кўрсата олмади.

Ўн икки мингдан ортиқ киши яшовчи Гулбаҳорда бешта маҳалла бор. Уларнинг номлари ҳам шаҳарча номига мутаносиб: Навбаҳор, Наврўз, Кўкаламзор... Лекин шу кунларда шаҳарчани айлансангиз, ҳаммаёқ қақраб ётибди. Жавзо жазирамаси ҳатто Янгийўл туман ҳокимлиги биносига олиб борувчи кўм-кўк хиёбоннинг ёнгинасидаги сайҳонликда ҳам ўт-ўланларни сарғайтириб юборган. Наврўз арафасида наридан-бери тозаланган ариқлар яна чиқиндиларга тўла бошлаган. Шундоққина марказдаги сайҳонликларда қуриб қолган ўт-ўланлар ёқиб юборилган. Чекка-чеккада ахлат уюмлари кўзга ташланади. Ички кўчалар, кўп қаватли уйлар атрофлари ҳақидаку, гапирмаса ҳам бўлади.

Кўкаламзор маҳалласи фуқаролар йиғини ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтган ЎзМЭИ биносига олиб борувчи марказий кўчанинг икки ёнидаги кенг хиёбонларда ҳам аҳвол шу. Ҳатто, панжара деворлар билан ўралган дарахтзорлар ҳам сувсизликдан қовжираб ётибди. Қаёққа қараманг, мол-ҳолга кўзингиз тушади...

Маҳалла вакилларининг йиғилишида фуқаролар йиғини раиса-си Баҳрихон Имомова ҳисобот учун ўн дақиқа вақт сўради, лекин бир соатча гапирди. Ўзи эътироф қилганидек, на ободонлаштириш ишлари, на аҳоли ўртасида олиб борилган маънавий-маърифий тадбирлар ва на аҳолининг турли қатламлари ўртасидаги ҳуқуқий тарбия ишлари ҳақида бирор жўяли гап айтмади. Бир соатни ўзининг салоҳияти, турли идоралардан ўз фаолияти ҳақида тўплаган тақдимнома хатлар, маҳалла посбонининг ишчанлигини қайта-қайта таъкидлаш билан ўтказди. Шаҳарча фуқаролар йиғини раиси билан келишмовчиликлар юз берганига, умуман, қандайдир номақбул ишларга ишора қилиб ўтди. Кўкаламзор маҳалла фуқаролар йиғини раислигига кўрсатилган уч муқобил номзод орасида маҳалла посбони Хуршид Саидов муносиблигини укдириб, бошқа номзодлар ўрта махсус, фақат Саидов олий маълумотли, қобилиятли эканлигини обдон таъкидлади. Ниҳоят, «ҳисоботимни тузиб, комиссияга тақдим этаман», дея маърузасини тугатди.

Номзодларнинг дастурлари тинглаб бўлингач, муҳокама чоғида ҳам бирёқламалилик — фақат посбон Хуршид Саидовнинг фазилатларини, раис фақат олий маълумотли бўлиши кераклигини таъкидлаш сезилиб турди. Вакиллар шу тарика «йўналтириб» бўлингач, йиғилиш раиси бирдан:

— Хаёлимдан кўтарилибди, Хуршид Саидов ҳам ўрта махсус маълумотли экан, — деб қўйди.

Шунча хатти-ҳаракатлару уринишлардан кейин ёпиқ-яширин овоз бериш якунлари эълон қилингач, кўпчилик вакиллар енгил нафас олгандек бўлишди.

(Давоми 2-бетда).

МАКТАБДА – ОРОМГОҲ

Тошкент туманидаги Кўксарой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нозим Эшонов ҳамда Кўксарой маҳалла қўмитаси раиси Абдумалик Алимов яхши ташаббус билан чиқишди.

Уларнинг ҳамкорликдаги ҳомийлиги билан Ваҳоб Каримов номли 1-мактабда ёзги дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳи ўз ишини бошлади. Бу ерда ҳозир 56 ўқувчи мазмунли ҳордиқ чиқаришяпти. Улар учун шахмат-шашка, стол тенниси, инглиз, рус тиллари, зардўзлик, расм, мусиқа тўгараклари ташкил этилган. Энг аҳамиятлиси, тўгараклардаги барча машғулотлар бепул олиб борилади.

Феруза ТЎРАЕВА.

ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

аъзо давлатлар раҳбарлари билан бирга, ташкилотда кузатувчи мақомини олган давлатлардан вакиллар – Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинежад, Покистон Президенти Парвез Мушарраф, Мўғулистон Президенти Намбарин Энхбайар, Ҳиндистон нефть ва табиий газ вазири М. Деора ҳамда саммит раисининг меҳмонлари – Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси В. Рушайло, Жануби-шарқий Осиё давлатлари уюшмаси (АСЕАН) Бош котибининг ўринбосари У. Виллакорта қатнашди.

Мажлисда иштирокчилар ШҲТ доирасидаги савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий, илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасида турли соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларига қарамасдан жаҳон таҳдид ва хавф-хатарлардан халос бўла олмаётганини таъкидлади.

– Халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, бугунги кунда дунёда ҳамон «оловли нуқталар», ҳудудий ва минтақавий низолар, миллий ва диний зиддиятлар хавфи, иқтисодий ва ижтимоий тахдидлар сақланиб турибди, – деди Ислом Каримов. – Афғонистондаги беқарорлик, наркотик ишлаб чиқаришнинг ҳажми ортаётгани, мамлакатдаги халқаро коалиция кучларининг бу иллатларга қарши ҳаракатлари кутилган натижани бермаётгани жиддий ташвиш туғдирмоқда. ШҲТга аъзо мамлакатлар Европа ва Осиё қитъаларидаги улкан ҳудудни қамраб олган. Аҳолиси эса дунё нуфусининг тўртдан бирини ташкил қилади. Шулардан аёнки, ШҲТ қамраган минтақа улкан салоҳиятга эга. Айниқса, транспорт, энергетика, қурилиш каби соҳаларда имкониятлар жуда катта. Мажлисда бу салоҳиятни тўла ишга солиб, имкониятларни амалий натижаларга айлантириш борасида батафсил фикр алмашилди.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг саммити ниҳоясига етгач, ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда ШҲТнинг беш йиллиги декларацияси, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг халқаро ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги баёноти, Террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2007-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурига доир қарор, ШҲТ мамлакатлари ҳудудида қўшма аксилтеррор машқларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги битим, Аъзо давлатлар ҳудудига террорчилик, айирмачилик ва экстремистик фаолиятга дахлдор кишилар кириб келишини аниқлаш ва бундай йўлларни тўсиб қўйиш борасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ШҲТ Ишбилармонлар кенгашининг таъсис сессияси якунлари тўғрисидаги протокол имзоланди. Ташкилот доирасида Банклараро уюшма аъзолари ўртасида минтақавий иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳаракат дастури қабул қилинди.

Саммит қатнашчилари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Унда музокаралар «Шанхай руҳи»га мос тарзда ўтгани, ШҲТ доирасидаги алоқаларга доир ва бошқа қатор минтақавий ҳамда халқаро масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилгани таъкидланди. Ушбу саммит ташкилот фаолиятининг самарадорлиги ошиб бораётганини, унинг халқаро нуфузи юксалаётганини кўрсатгани алоҳида қайд қилинди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг фикрича, бугун имзоланган ҳужжатлар ташкилотни ривожлантириш йўлидаги янги қадам бўлди.

Ўзбекистон раҳбари бугунги саммит ва унинг натижалари икки хулосага олиб келишини қайд этди. Аввало, ушбу саммит ШҲТнинг долзарблиги ва нуфузли ташкилотга айланганини кўрсатди. Музокаралар ШҲТнинг истиқболи порлоқ, ташкилот доирасидаги ҳамкорлик эса катта салоҳиятга эга эканлигини намоён қилди. «ШҲТнинг келажаги бизнинг саъй-ҳаракатларимизга боғлиқдир», деди Ислом Каримов.

Россия Президенти Владимир Путин ШҲТ халқларимиз турмуш даражасини бир-бирига яқинлаштиришга, Марказий Осиёни дунёнинг гуллаб-яшнаётган ҳудудига айлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Расмий тадбирлардан сўнг, ШҲТга аъзо мамлакатлар санъат усталарининг катта концерти бўлди. Унда Ўзбекистон вакиллари ҳам қатнашдилар. Яхши анъанага айланган бу тадбир маданияти ва санъати турлича бўлган халқларни бир-бирига яқинроқ таништиришда, бир-бирининг маданияти ва санъатини ўрганиш ва тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу билан ШҲТнинг юбилей саммити ниҳоясига етди. У аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасидаги ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат ва ишончга асосланган муносабатларни янада ривожлантиришга, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалаларни баҳамжиҳат ҳал этиб боришга, халқларимизнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

КАРДИОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

Халқаро ҳамкорлик марказида юрак қон-томир касалликларининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий жиҳатлари, тиббиётнинг бирламчи бўғинида бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ вазифаларга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман иштирокчилари икки кун давомида илм-фан бу борада эришаётган ютуқлардан амалда фойдаланиш йўлларини таҳлил этиш баробарида, кардиологиянинг ривожланиш истиқболлари, юрак қон-томир касалликларининг олдини олишда умумий амалиёт врачларининг ўрни ва роли, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда тиббиёт, таълим, жамоат тузилмалари ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан маърузалар тингладилар.

ЎзА.

Республика Таълим марказида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи натижалари ва учинчи босқич вазифаларига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

ТАЪЛИМ СИФАТИГА ЭЪТИБОР

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар таълим марказлари, туман халқ таълими бўлимлари мутасаддилари, педагоглар иштирок этди.

Семинар доирасида дарс жараёнида педагогик технологияларни қўллаш услублари ва шакллари ҳақидаги билимни ошириш, ўқув жиҳозлари ва лаборатория асбоб-ускуналаридан самарали фойдаланиш, умумтаълим мактабларида "Саломатлик дарслари", "Соғлом авлод асослари", "Соғлом турмуш тарзи асослари" ва "Оила" дарсларининг ўқитилиши каби мавзуларда машғулотлар ўтказилди.

ЎзА.

Касаначилик

Анвар Зокиржонов тиниб-тинчимас тадбиркорлардан. Унинг саъй-ҳаракати билан Қибрай туманидаги «Шарифхон бизнес» масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ.

ЎЗИМИЗНИКИГА НЕ ЕТСИН

Корхона асосан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Аҳамиятли томони шундаки, ушбу маҳсулотлар фақат маҳаллий хом ашёдан тайёрланаяпти. Ҳозир бу ерда ҳар ойда SBS савдо белгиси остида 50 хилда 12 минг дона эркак ва аёллар, болалар кийим-кечаклари истеъмолчиларга етказилмоқда.

— Саноат соҳасида ҳамкорликсиз иш юритиб бўлмайди, — дейди корхона раҳбари Анвар Зокиржонов. — Шу сабабдан ҳамкорлар топишга, ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишга қарор қилдик. Ҳозир Украинанинг «Виксинт» фирмаси билан маҳсулотни экспорт қилиш учун шартнома имзолаш устида иш олиб борилмоқда.

Хуршида НАЗАРОВА.

СУРАТЛАРДА: *корхонада доимо иш қизғин; (чапдан) Насиба Асомова ва Наргиза Ҳикматовани энг илғор қадоқчилар сифатида тилга олишади.*

Даврон АҲМАД олган суратлар.

АУКЦИОН ИШ БОШЛАДИ

Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига жавобан Пскент тумани деҳқон бозори маъмурияти ташаббуси билан қора моллар кимошди савдоси ташкил этилиб, мол бозори қайта таъмирланди ва ободонлаштирилди.

Тадбирда Давлат ветеринария бош бошқармаси ҳамда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси вакиллари ҳам иштирок этишди. Аукцион савдо давомида бир нечта сигир, от ва қўй сотилди. Аҳамиятли томони шундаки, ушбу аукцион савдосини ҳар ҳафтанинг шанба кунлари анъанавий тарзда ўтказиб туриш ҳақида келишиб олинди.

Хуррият МЎМИНОВА.

Ифтихор

БАРЧА ОРЗУ ҚИЛГАН УЛОВЛАР

Ўзбекистон ўз автомобиллари билан жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашга улгурди.

1993 йилда асос солинган Ўзбекистон — Жанубий Корея «ЎзДЭУАвто» қўшма корхонасида бугунги кунда «Дамас», «Tico» ва «Nexia», «Matiz», «Lacetti» каби автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. «ЎзДЭУАвто» ёш корхона бўлишига қарамай, жаҳоннинг энг етакчи корхоналари андозалари бўйича автомобилларнинг турли хил моделларини тайёрламоқда. Масалан: ҳозирги кунда «Damas»нинг беш хил тури ишлаб чиқарилмоқда. Булар уч турдаги микроавтобуслар, юк ташувчи фургон ва «тез тиббий ёрдам» автомобилларидир.

Беш эшикли кичик литражли «Tico» эса уч хил, «Nexia» тўрт хил модификацияда ишлаб чиқарилмоқда.

Завод фойдаланишга топширилган 1996 йилда, автомобилларни мамлакат ичкарисида сотишни йўлга қўйиш мақсадида дилерлик корхоналари ташкил этилиб, ички бозорга 23 минг дона автомобиль етказиб берилган эди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг сифати юқорилиги учун ҳам дастлабки йилданоқ автомобиллар ташқи бозорга чиқа бошлади. Хусусан, Россия Федерацияси, Беларусь республикаси, Қозоғистон ва Қирғизистонга экспорт қилинди. Шу тариқа корхона фаолияти кенгайиб борди. Бугун Асака заводининг халқаро майдондаги обрўси анча ошди. Чунки, 1998 йил «Халқаро автомобиль ишлаб чиқарувчилар» ташкилотига аъзо бўлгач, унга ISO:900 таснифидаги сифат сертификати берилди.

Айни вақтда Ўзбекистон ва хориж кўчаларида юрган автомобиллар халқимиз фахри, ғурурига айланган. Чунки, у Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган, ўзимизнинг миллий маҳсулот.

Нозима ҚОСИМОВА,
Тошкент автомобиль-йўллар институти талабаси.

Фуқаролар йиғинларида сайлов

«ҲОКИМНИНГ АЙТГАНИ БЎЛАДИ»МИ?

Чунки, номзоди обдон ташвиқ қилинган маҳалла посбони эмас, балки шу кунгача Гулбаҳор шаҳарчаси фуқаролар йиғинининг раиси бўлиб ишлаб келаётган Ғафур Маҳмудов кўпчилик овоз билан маҳалла оқсоқоллигига сайланган эди.

Кўкаламзор йиғилишидаги «раҳбарона» кайфият кунинг иккинчи ярмида ўтган Гулбаҳор шаҳарчаси фуқаролар йиғини ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳам яққол сезилиб турди. Йиғин раиси — оқсоқол Ғафур Маҳмудов ўз ҳисобот маърузасида Гулбаҳорнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баён этиб, асосий эътиборни тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этишга қаратди. Бу йиғилишда ҳам маруза чинакамига муҳокама қилинмади. Раислик қилувчининг оқсоқол фаолиятига баҳо бериш ҳақидаги даъватларидан кейин бир-икки киши ўтирган жойида «қониқарли» деб қўйди. Йиғилиш раиси шундан кейин ҳам қаноатланмади, вакилларга мурожаат қилиб, «Наҳотки «қаноатланарсиз» дегувчилар бўлмаса?» — деб сўрай бошлади. Садо чиқмагач, ўзи гапга тушди:

— Сайловларни ўтказишга кўмаклашувчи ишчи гуруҳи раислиги юклатилгач, шаҳарчамизни айланиб чиқдим, одамларнинг фикрларини эшитдим. Мен раиснинг ҳисобот давридаги фаолиятини қониқарсиз ҳисоблайман...

Лекин овоз бериш чоғида Юсуфалиевнинг бу таклифи учун унинг ўзи ва яна тўртбеш киши овоз берди, холос. Мана шунда Ғафур Маҳмудов куннинг биринчи ярмида Кўкаламзор маҳалласида ўтган йиғилишдан олдинроқ айтган сўзларнинг маъносини англадим, ҳозиргина у ҳисоботида беш-олти ой ўз вазифасини бевосита бажаришдан маҳрум қилиб қўйилганлигини нега таъкидлаганини тушуниб етдим.

— Гулбаҳорда оқсоқолликка номзодимни қўймадим, — деган эди у. — Лекин Кўкаламзор ўз маҳаллам, номзодимни шу ерда қўйдим...

Гулбаҳор шаҳарчаси фуқаролар йиғини раислигига номзодлари рўйхатга олинган Маҳмуджон Аҳмаджонов, Анвар Дадабоев ва Маҳмуджон Мирзаахмедов ўз дастурларини баён этиб беришди. Шу орада йиғилиш ҳайъатида ўтирган раҳбарлардан бири сўз олиб, туман ҳокими Анвар Дадабоев оқсоқолликка сайланиши лозимлиги, ҳоким Гулбаҳор оқсоқоли сифатида у киши билан ишлашни лозим кўришини айтиб қолди. Йиғилиш бу «таклиф»ни рад этди. Буни номзодлар учун ёпиқ овоз бериш натижалари ҳам тасдиқлади. Ҳеч бир номзод мутлақ кўп овоз ололмади. Биринчи турда энг кўп овоз олган икки даъвогар номзоди қайта сайлов бюллетенига киритилди. Унинг натижаларига кўра, энг кўп овоз олган Маҳмуджон Мирзаахмедов фуқаролар йиғини раислигига сайланди.

...Ҳа, Гулбаҳорда ўтган сайловларда одамларда ижтимоий онг ўзгариб бораётганлиги, улар маҳаллалари ёки шаҳарчаларининг тақдири учун бефарқ эмасликлари рўй-рост кўзга ташланди.

Гулбаҳорда фуқаролар йиғинлари раисларининг сайлови якунланди. У Янгийўл туманининг маъмурий маркази бўлмиш бу шаҳарчанинг ҳаётида иқтисодиёт, айниқса, хусусий тадбиркорликнинг ривожида қандай из қолдиришини келажак кўрсатади. Янги оқсоқол Маҳмуджон Мирзаахмедов ғоят мураккаб бир вазиятда, ўз дастури ҳақида гапира туриб таъкидлаганидек, шаҳарчада аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш, ободончилик танг аҳволга тушган, маҳаллий аҳоли ўртасидаги уюшқоқликка анча путур етган бир пайтда фаолият бошламоқда. Бу муаммоларни фақат ҳокимлик, хўжалик ва ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳанавий-маърифий тарбия ташкилотлари ҳамжиҳатлиги ва барча фуқароларнинг фаол иштироки билангина бартараф қилиш мумкин. Йиғилишлардаги руҳият буни одамлар чуқур ҳис қилишларини, ишда ва ҳаётда кескин ўнгланиш палласи етиб келганлигини ҳамма яхши тушуна бошлаганлигини тасдиқлади.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҚОНУНЛАРИМИЗ ХАЛҚ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Фориш туманидаги қатор тиббиёт масканларида ҳам қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Капитал таъмирланган бу тиббиёт муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш режалаштирилган. Бу ишларнинг барчаси учун корхонамиз томонидан 3 миллиард 24 миллион сўм маблағ ажратилди.

Комбинатимиз шаҳримизнинг гуллаб-яшнаши йўлида ҳам хайрли ишлар қилмоқда. Хусусан, 72 та кўп қаватли уйларни ва битта мактабни таъмирлаш, 250 ўринли касалхона ҳамда бир қатор маиший хизмат биноларини қуриш ва қайта таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Айнан мана шу режаларни бажариш учун 4 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланмоқда.

Бу каби хайрли ишлардан мақсадимиз, оз бўлса-да, халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб, одамларимизнинг сифатли тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини қондиришдир.

Агар, Сенатнинг ўтган бешинчи ялпи мажлисига эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлган қатор масалалар ўрганилди ва 15 та қонун кўриб чиқилди. Уларнинг аксарияти, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатини кучайтиришга йўналтирилган қонунлардир. Маълумки, ўтган йили ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотларнинг 38,2 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Тадбиркорларимизни ҳуқуқий ҳимоялаш ва уларга зарур шарт-шароит яратишда қонунларимиз янада пухта бўлишига эришишимиз керак.

Сенатнинг ана шу мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Мамлакатимиз тараққиётининг қонун асосларини мустаҳкамлаш — фаолиятимиз мезони бўлиши даркор» мавзуида маъруза қилди. Унда Президентимиз томонидан мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Биз сенаторлар Юртбошимизнинг ушбу маърузасидан ўзимизга тегишли хулосалар олдик. Шунингдек, Сенат Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича вазифалар белгиланиб, бир қатор қарорлар қабул қилинди.

Қонунларимиз ратификация қилинар экан, давлатлараро ҳамкорликнинг соғлом ва икки томонлама аҳамиятли босқичи бошланганлигидан қувонасан, киши. Буни Ўзбекистоннинг Россия Федерацияси билан иттифоқчилик шартномасида кўриш мумкин.

Юртбошимизнинг ҳам энг асосий ва олий мақсади — юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш. Тинчлик ва осойишталик хонадондан, маҳалладан бошланади. Шу боис, ҳукуматимиз маҳаллаларга ишонч билдириб, уларга жуда катта имконият бермоқда. Бугунги кунда республикамизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтмоқда. Маҳаллаларимизга муносиб оқсоқоллар керак. Қайсики, улар шу маҳаллада ҳурматга, эътиборга сазовор, одамларни ортидан эргаштира оладиган, ўзгаларга ўрнак бўладиган намунали шахс бўлиши шарт. Сайлов жараёнларида шаҳар депутатлари ҳам сайловни ташкил этиш ва уни ўтказишда амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Мен шу ўринда, юртбошимизнинг маърузасидан келиб чиқиб, вилоят ва шаҳар Кенгаши депутатларини янада фаол бўлишга чақириш билан бирга, депутатлар, имкон доирасида, ўз округида кам таъминланган оилаларга ёрдам берса, ёлғиз кексалардан хабар олса, ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда халқнинг дардини енгил қилса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман. Шаҳар ва туманларнинг кўчаларини обод қилиш, кўкаламзорлаштириш, ҳуллас қай бир соҳа бўлмасин, депутатлар халқ ичида бўлиши ва ўз ваколатидан фойдаланиб, жойлардаги муаммоларни ҳал этиши учун депутатлик сўровларини ўтказиб туриши уларнинг асосий вазифаларидан биридир.

Шу мақсадда маърузадан келиб чиқадиган асосий вазифалар ва Сенатда қабул қилинаётган қонунлар, уларнинг аҳамияти, моҳияти хусусида Наманган ҳокимлигида, Поп, Чуст шаҳарларида, Ангрен, Оҳангарон, Пскент ва Олмалиқ шаҳарларида юртдошларимиз билан учрашувлар ўтказилди. Қизғин ва амалий суҳбатлар давомида ҳамюртларимиз руҳиятидаги кўтаринкиликни, юртдаги тинчлик ва осойишталикдан, тўкинликдан шукроналикни кўрдик.

Хабарингиз бор, 9-10 июнь кунлари пойтахтда Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 8-, 71-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунни кўриб чиқдилар. Ушбу қонун мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Бу Қонунга мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиққа тортиш тизимига ўтиш ҳуқуқи берилади. 71-моддага кўра эса, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда унинг таркибига кирадиган корхона ва ташкилотлар қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинади. Юқори палата аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га, Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси»га қўшимчалар киритиш ҳақидаги, «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги ва яна бошқа муҳим бир қатор Ўзбекистон Республикаси Қонунларини кўриб чиқдилар.

Шунингдек, Ватанимизда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, интеллектуал мулкни муҳофаза қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш мақсадида «Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимини (Мадрид, 1891 йил 14 апрель) денонсация қилиш ҳақида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) қўшилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари муҳокама қилинди.

Юқори Палата аъзолари томонидан ушбу мажлисда жами 11 та Қонун кўриб чиқилди. Уларнинг 10 таси Сенат аъзолари томонидан маъқулланди ва биттаси рад этилди.

Биз шунга аминмизки, кўриб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилаётган Қонунлар фақат меҳнаткаш, фидойи халқимиз манфаатига хизмат қилади. Уларнинг оғирини енгил этади.

Юртдошларимиз қалбида она-Ватанимизга муҳаббат ҳисси устун бўлса, ҳар лаҳзада огоҳ бўлсак, шубҳасиз, эртанги нурли кунларда фарзандларимиз бахти бутун бўлиб, Ўзбекистон деган жаннатмакон ўлкамиз яна ҳам юксак тараққиётга юз тутаверади.

Кувондиқ САНАҚУЛОВ,
«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ ҳиссадорлик жамияти бош директори,
Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати аъзоси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шахсий фикр

МУВОЗАНАТ — КЕЛАЖАК АСОСИ

Табиатнинг асосий қонуниятларидан бири мувозанатдир. Инсоният бошига келадиган барча балоларнинг бош омили табиат ва жамият муносабатларидаги ана шу мувозанатнинг бузилишидан.

Аслида, дунёда табиий офатлар инсон фаолиятининг оқибатлари билан чамбарчас боғлиқ. Жумладан, сув тақчиллиги, уни тўғри тақсимлаш, муҳофаза қилишга қаратилган зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш масаласи муҳим аҳамиятга эгадир.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш минтақада бир қатор тадбирларни изчил бажариш орқалигина амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент вилоятида ва Тошкент шаҳрида Чирчиқ дарёсининг сувни муҳофаза қилиш зонаси ва қирғоқбўйи полосасини белгилаш тўғрисида»ги қарори билан ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларга бириктирилган қирғоқбўйи ерларга кўрикланадиган табиий ҳудудлар мақоми берилди.

Вилоят ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари билан биргаликда экологик хавфли объектларни 2007 йилгача сувни муҳофаза қилиш зонасидан ва қирғоқбўйи полосасидан белгиланган тартибда ташқарига чиқаришга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқдилар. Шу тариқа, Чирчиқ дарёси ҳавзасини экологик соғломлаштириш изчил тус олди.

Дарахтзорларни кенгайтириш учун сувни муҳофаза қилиш зонасига ер ажратиш имконияти кўриб чиқилиб, белгиланган тартибда қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ Чирчиқ дарёсининг сувини муҳофаза қилиш зонасида ва қирғоқбўйи полосасида табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши назоратини таъминламоқдалар.

Бизга маълумки, суғоришнинг ҳозирда оммалашган усули жиддий нуқсонларга эга. У сувнинг жуда кўп исроф бўлишига олиб келмоқда. Қолаверса, қўл меҳнатини кўп талаб қилади. Агарда аҳвол шу усулда давом этаверса, сувни тежаш борасида бирор бир самарали натижага эришиш амри-маҳол бўлиб қолади.

Шуни таъкидлаш лозимки, сувдан тежамкорлик билан фойдаланишда бир қатор талабларга амал қилиниши шарт. Аввало, сув ресурсларининг давлат мулки ҳисобланишини эътиборга олиб иш юритиш керак. Иккинчидан, сувдан режали, белгиланган мақсадларда фойдаланиш зарур. Учинчидан, сув ресурсларидан комплекс фойдаланишни йўлга қўйиш лозим бўлади. Қолаверса, сув ресурсларини кўпайтириш чоралари тизимини қўллаш ва муҳофаза қилиш муҳимдир.

Сув муҳофазаси, унинг ҳуқуқий асослари, сувдан фойдаланиш тартиб-қоидаларини бузганлик учун чора кўриш масалалари ҳуқуқий соҳа вакиллари, Ўзбекистон илмий жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида туриши экологик барқарорликнинг муҳим кафолати, ер юзида ҳаёт давомийлигининг асоси бўлиб қолади.

Жаҳонгир ҚЎЛДОШЕВ,
Элмурод НИЁЗОВ,
Тошкент Давлат юридик институти магистрантлари.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 19

ЎЗБЕКИСТОН 1-ТВ

15.00-15.45 «Таҳлилнома».
15.45 «Ватанпарвар».
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.40 «Бир асар тарихи».
18.05 «Умр дафтари». 1-қисм.
18.25 «Ўч». Видеофильм. 6-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Аёл қалби наволари». Дилнура Қодиржонова.
22.00 «Ёз ифори». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 Т/с «Шаҳарлик фариштa».

ЁШЛАР

16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Анонслар.
17.05 Шум болалар.
17.20 Ёшлик наволари.
17.35 UzEX хабарлари
17.45 Ватан ҳақида ўйлар.
17.55 «Скарлетт». Б/ф 6-қисм.
18.40 Мусиқий лаҳзалар.
18.45 UzEX хабарлари
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 UzEX хабарлари.
19.50 Ёшлар куйлаганда.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Ракурс.
20.25 Ватан ҳақида ўйлар.
20.30 CINEMANIYA.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Гурур». Т/с. 1-қисм.
21.50 Мусиқий лаҳзалар.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Анонслар.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 Кино SMS.
22.55 Эълонлар.
23.00 «Ёлғон асираси». Т/с.

ТОШКЕНТ

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «23,5 даражали бурчак остида». Ҳужжатли телесериал.
19.15 «Саломат бўлинг».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 21.55 «Тв анонс».
20.25 «Яхши-ёмон йигитлар». Т/с.
20.50, 21.25 «Телекурьер маркет».
21.00 «Оқшом наволари».
21.20 «Тв юрист».
21.35 «Журналист таҳлили».
22.00 «Паногеянинг ўғирланиши». Б/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар»
8.20 «Болалар спорти».
8.35 Мультфильм.
8.45 «Спортимиз маликалари».
9.00 «Хабарлар»
9.20 «Мальчуган». Х/ф.
10.50 «Живые легенды моря». Д/ф.
11.15-12.10 «Талисман». Т/с.
17.50 Футбол. ЖЧ. Того – Швейцария.
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.30 ЖЧ-2006 кундалиги.
20.50 Футбол. ЖЧ. Саудия Арабистони – Украина».
23.00 «Жди меня».
23.50 Футбол. ЖЧ. Испания - Тунис.

СЕШАНБА 20

ЎЗБЕКИСТОН 1-ТВ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Динозавр овчилари».
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот»
12.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қамаши» - «O`zbektelefilm».
12.25 «Одами эрсанг»
12.45 «Ёз ифори». Т/с.
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Интеллектуал ринг».
16.10 «Шахсий фикр».
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Фарз ва қарз».
17.40 «Эзгулик».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.05 «Умр дафтари». 2-қисм.
18.25 «Ўч». Видеофильм. 7-қисм.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Сиз соғинган оҳанглар». О. Ҳотамов.
22.00 «Ёз ифори». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 Т/с «Шаҳарлик фариштa».

ЁШЛАР

16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Анонслар.
17.05 Эврика.
17.15 Болалар табассуми.
17.20 SMS-кинотанлов.
17.25 «O`zbektelefilm» намойиши: «Водил».
17.35 Ватан ҳақида ўйлар.
17.40 Ёшлар куйлаганда.
17.50 Анонслар.
17.55 «Скарлетт». Б/ф 7-қисм.
18.40 CINEMA BOLLIVUD.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Кино SMS.
19.40 Ишга марҳамат!
19.45 Давр мавзуси.
20.00 «JOKER» телелотереяси.
20.10 Автопатрул.
20.30 Ёшлик наволари.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Гурур». Т/с. 2-қисм.
21.50 Мусиқий лаҳзалар.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Анонслар.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 Кино SMS.
22.55 Эълонлар.
23.00 «Ёлғон асираси». Т/с.
23.45-23.50 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

18.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «23,5 даражали бурчак остида». Т/с.
19.15 «Истеъмолчи минбари».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 22.10 «Тв анонс».
20.25 «Яхши-ёмон йигитлар». Т/с.
20.50, 21.25 «Телекурьер маркет».
21.00 «Оқшом наволари».
21.20 «Тв юрист».
21.35 «Бахтли бўлинг».
22.15 «Италияликларнинг Россиядаги саргузаштлари». Б/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар»
8.20 «Болалар спорти».
8.35 Мультфильм.
8.45 «Спорт-клуб».
8.55 Анонс.
9.00 «Хабарлар»
9.20 Кураш. Халқаро турнир.
9.50 «Ким нимага қодир?»
10.10 «Снукер».
10.50 «Живые легенды моря». Д/ф.
11.15-12.15 «Талисман». Т/с.
18.00 «Досуг». Т/с для детей.
18.15 «Хабарлар»
18.35 ЖЧ-2006 кундалиги.
18.55 Футбол. ЖЧ. Эквадор - Германия.
20.55 Футбол. ЖЧ. Коста Рика - Польша.
23.00 «Кавалеры морской звезды». Т/с.
23.50 Футбол. ЖЧ. Швеция - Англия.

ЧОРШАНБА 21

ЎЗБЕКИСТОН 1-ТВ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Сазиле тошбақалари».
9.20 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин. 2. «Шумтакалар». Мультсериал.
10.25 «Остонаси тиллодан».
10.45 «Банк ва мижоз».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.55 Олтин мерос.
12.05 «Ягона оилада».
12.25 «Одамлардан бири».
12.45 «Ёз ифори». Т/с.
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «50х50». Ток-шоу.
16.10 «Саломатлик» дастури.
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Эркин иқтисодиёт».
17.50 «Қалқон».
18.10 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
18.30 «Ўч». Видеофильм. 8-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.00 «Ёз ифори». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 Т/с «Шаҳарлик фариштa».

ЁШЛАР

6.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Болалар табассуми.
8.15 «Ратилар оиласи». М/ф.
8.30 «Ёлғон асираси». Т/с.
10.00 Давр.
10.15 Давр мавзуси.
10.30 Ракурс.
10.45 Якшанба нонуштаси.
11.15 SMS-кинотанлов.
11.20 «Гурур». Т/с. 1-2-қисмлар.
13.00 Давр.
13.10 Анонслар.
13.15 «ЯНГИ КУН».
14.15 Даврнинг боласи.
14.25 «Фан» туркуми: «Ҳаракатланиш».
14.35 «Мўйқалам сеҳри». Акмал Нур.
15.15 «Даллас». Т/с.
16.00 Давр.
16.10 Футбол. ЖЧ. Швеция-Англия.
17.50 Анонслар.
17.55 «Скарлетт». Б/ф 8-қисм.
18.40 Каталог.
18.50 Ватан ҳақида ўйлар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Ишга марҳамат!
19.45 Ватан ҳақида ўйлар.
19.55 Анонслар.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Ҳарбийлар.
20.30 Ёшлик наволари.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Гурур». Т/с. 3-қисм.
21.50 Мусиқий лаҳзалар.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Анонслар.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.55 Эълонлар.
23.00 «Ёлғон асираси». Т/с.

ТОШКЕНТ

18.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «23,5 даражали бурчак остида». Т/с.
19.15 «Ҳамшаҳарлар».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 22.00 «Тв анонс».
20.25 «Яхши-ёмон йигитлар». Т/с.
20.50, 21.25 «Телекурьер маркет».
21.00 «Оқшом наволари».
21.20 «Тв юрист.
21.35 «Анъаналар этади давом».
22.05 «Гугуртга кетиб». Б/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар»
8.20 «Шоҳрух клуби».
8.35 Мультфильм.
8.45 «Тет-а-тет».
8.55 Анонс.
9.00 «Хабарлар»
9.20 Миллий эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
9.35 Футбол. ЖЧ. Парагвай – Тринидад Тобаго.
11.15-12.10 «Талисман». Т/с.
18.00 «Досуг». Т/с для детей.
18.15 «Хабарлар»
18.35 ЖЧ-2006 кундалиги.
18.55 Футбол. ЖЧ. Португалия - Мексика.
20.55 Футбол. ЖЧ. Эрон - Ангола.
23.00 «Кавалеры морской звезды». Т/с.
23.50 Футбол. ЖЧ. Голландия - Аргентина.

ПАЙШАНБА 22

ЎЗБЕКИСТОН 1-ТВ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Уа Хука чавандозлари».
9.20 1. «Қувноқ стартлар». Телемусобақа. 2. «Шумтакалар». Мультсериал.
10.35 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот»
12.10 «Ҳаҳвия бисотидан». А. Несин ҳажвиялари.
12.45 «Ёз ифори». Т/с.
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Мехр кўзда».
16.00 «Устоз». Видеофильм.
16.20 1. «Болалар дунёси». 2. «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Имконият».
17.40 «Рангин дунё».
18.00 «Дил таронаси».
18.05 «Яхшилик».
18.30 «Ўч». Видеофильм. 9-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Ватан туйғуси».
22.00 «Ёз ифори». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 Т/с «Шаҳарлик фариштa».

ЁШЛАР

6.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 «Ратилар оиласи». М/ф.
8.20 Китоб жавони.
8.35 Автопатрул.
8.55 SMS-кинотанлов.
9.00 «Ёлғон асираси». Т/с.
9.45 «Қоядаги расмлар».
9.55 Ватан ҳақида ўйлар.
10.00 Давр.
10.15 Футбол. ЖЧ. Голландия-Аргентина.
12.10 «Гурур». Т/с. 3-қисм.
13.00 Давр.
13.15 «ЯНГИ КУН».
14.15 Даврнинг боласи.
14.25 «Фан» туркуми. «Ҳаракатланиш».
14.35 «Мўйқалам сеҳри». Файзулла Аҳмадалиев.
15.10 «Даллас». Т/с.
15.55 Ёнимдаги бахт.
16.00 Давр.
16.15 Ватан ҳақида ўйлар.
16.20 Ҳуш келибсиз!
16.50 Телепортрет.
17.15 Чемпион сирлари
17.40 «Қўшқулоқ».
18.05 Матонат.
18.20 Ёшлар куйлаганда.
18.40 ТВ-дорихона.
18.50 Ватан ҳақида ўйлар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Ишга марҳамат!
19.45 Сифат белгиси.
19.55 Давр мавзуси.
20.10 Дунё бўйлаб...
20.30 Ёшлик наволари.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Гурур». Т/с. 4-қисм.
21.50 Мусиқий лаҳзалар.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.55 Эълонлар.
23.00 «Ёлғон асираси». Т/с.

ТОШКЕНТ

18.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «23,5 даражали бурчак остида».
19.15 «Зомин манзаралари».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 21.50 «Тв анонс».
20.25 «Яхши-ёмон йигитлар». Т/с.
20.50, 21.45 «Анонс».
20.25 «Яхши-ёмон йигитлар».
20.50, 21.25 «Телекурьер маркет».
21.00 «Оқшом наволари».
21.20 «Тв юрист».
21.35 «Автоҳамкор».
21.50 «Музиклар ўртасидаги қасос». Б/ф.
23.20 «Тунчирок».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар»
8.20 «Болалар спорти».
8.35 Мультфильм.
8.45 «Спорт-клуб».
8.55 Анонс.
9.00 «Хабарлар».
9.20 «Шарқ яккакурашлари».
9.35 Футбол. ЖЧ. Код-д'Ивуар – Сербия ва Черногория.
11.15-12.15 «Талисман».
18.00 «Досуг». Т/с для детей.
18.15 «Хабарлар»
18.35 ЖЧ-2006 кундалиги.
18.55 Футбол. ЖЧ. Чехия - Италия.
20.55 Футбол. ЖЧ. Гана - АҚШ.
23.00 «Беллашув».
23.50 Футбол. ЖЧ. Япония - Бразилия.

ЖУМА 23

ЎЗБЕКИСТОН 1-ТВ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Кулол ва хумча». Болалар учун фильм.
10.15 «Яхшилик».
10.35 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Т/с.
12.00 Олтин мерос.
12.10 «Табаррук замин».
12.45 «Ёз ифори». Т/с.
13.50 «Зилол». Фольклор қўшиқлар.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур,
15.20 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. В. Моцарт.
16.10 «Рангин дунё».
16.30 «Сув – ҳаёт манбаи».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 Бизнес янгиликлари.
17.45 «Яхшилар ёди».
18.05 «Минг бир ривоят».
18.10 «Ҳидоят сари».
18.30 «Ўч». Видеофильм. 10-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Мехр кўзда».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Ёз ифори». Т/с
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Катта тошлоқ чорвадорлари».

ЁШЛАР

6.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 «Ратилар оиласи». М/ф.
8.20 Болалар табассуми.
8.30 Давр мавзуси.
8.45 ТВ-дорихона.
9.00 «Ёлғон асираси». Т/с.
9.55 Ватан ҳақида ўйлар.
10.00 Давр.
10.10 Анонслар.
10.15 Футбол. ЖЧ. Чехия - Италия.
12.05 Кино SMS.
12.10 «Гурур». Т/с. 4-қисм.
13.00 Давр.
13.10 Анонслар.
13.15 «ЯНГИ КУН».
14.15 Даврнинг боласи.
14.25 «Ҳаракатланиш».
14.35 «Мўйқалам сеҳри». Собир Раметов.
15.05 SMS-кинотанлов.
15.10 «Даллас». Т/с.
16.00 Давр.
16.10 Матонат.
16.30 «Сеҳрли таёқча» спектакли.
17.55 Аскар мактублари.
18.15 Тақдир. Ўзбекистон халқ шоири Н. Нарзуллаев.
18.35 Ватан ҳақида ўйлар.
18.40 Ёшлар куйлаганда.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Ишга марҳамат!.
19.40 «Моя мечта». Дунё таомлари.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Азизим.
20.35 Ёшлик наволари.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Гурур». Т/с. 5-қисм.
21.50 Мусиқий лаҳзалар.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.55 Эълонлар.
23.00 «Ёлғон асираси». Т/с.

ТОШКЕНТ

18.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «23,5 даражали бурчак остида». Ҳужжатли телесериал.
19.15 «Саҳоватли кишилар».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 21.50 «Тв анонс».
20.25 «Яхши-ёмон йигитлар». Т/с.
20.50, 21.25 «Телекурьер маркет».
21.00 «Оқшом наволари».
21.20 «Тв юрист».
21.35 «Аёл қалби».
21.55 «Цирк майдонига йўл». Б/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар»
8.20 «Болалар спорти».
8.35 Мультфильм.
8.45 «Кўнгилга йўл».
9.00 «Хабарлар».
9.20 «Спорт – менинг ҳаётим».
9.35 Футбол. ЖЧ. Хорватия – Австралия.
11.15-12.15 «Талисман».
18.00 «Досуг». Т/с для детей.
18.15 «Хабарлар»
18.35 ЖЧ-2006 кундалиги.
18.55 Футбол. ЖЧ. Саудия Арабистони – Испания.
21.00 «Заҳирадаги спортчи».
21.30 «Хабарлар»
21.50 «Аптека слушает».
22.35 «Поле чудес».
23.50 Футбол. ЖЧ. Швеция – Ж. Корея.

ШАНБА 24

ЎЗБЕКИСТОН 1-ТВ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олтин тож». Телеўйин.
9.25 Биржа ва банк хабарлари.
9.30 «Мусиқа дунёси».
9.50 «Оналар мактаби».
10.10 1. «Чинсен». 2. «Маврид».
10.55 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.30 «Заковат».
12.25 «CINEMA.UZ».
12.45 «Ёз ифори». Т/с.
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Сўз ва соз». Ток-шоу.
16.05 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.05 «Одами эрсанг».
17.30 «Олтин бешик».
18.00 «Саломатлик сирлари».
18.20 «Жиддий ўйин».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.15 «Суперлото». Телелотерея.
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Мехр кўзда».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Шоҳизинда: кеча ва бугун».
22.25 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
22.35 «Ошиқлар». Б/ф. 1-қисм

ЁШЛАР

6.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Бола тилидан.
8.40 Анонслар.
8.45 Жаҳон жўғрофияси.
9.00 «Ёлғон асираси». Т/с.
9.45 Жаҳон жўғрофияси.
9.55 Ватан ҳақида ўйлар.
10.00 Давр.
10.10 Анонслар.
10.15 Футбол. ЖЧ. Швейцария – Жанубий Корея.
12.10 «Гурур». Т/с. 5-қисм.
13.00 Давр.
13.10 Анонслар.
13.15 «ЯНГИ КУН».
14.15 Даврнинг боласи.
14.25 «Фан» туркуми: «Ҳаракатланиш».
14.35 «Мўйқалам сеҳри». Абдунаби Мамадиев.
15.05 Ватан ҳақида ўйлар.
15.10 «Ҳандалак».
15.40 Телепортрет.
15.55 Ёнимдаги бахт.
16.00 Давр.
16.20 Ёшлар куйлаганда.
16.35 Чемпион сирлари.
17.00 «Йиғлама гўзалим». Б/ф.
18.30 Ёшлик наволари.
18.40 Ватан ҳақида ўйлар.
18.45 Каталог.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Юлдуз билан...
20.15 «Дилрабо». Эргашали Ҳусанов куйлайди.
20.35 «Камолот» хабарлари.
20.45 Ватан ҳақида ўйлар.
20.55 CINEMA BOLLIVUD.
21.10 Оҳанрабо.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 SMS-кинотанлов якуни. Б/ф.

ТОШКЕНТ

«8.00-13.00»гача кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Шунақа гаплар»
18.50 «23,5 даражали бурчак остида».
19.15, 20.55, 22.05 «Тв анонс».
19.20, 21.20 «Телекурьер маркет».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Тв юрист».
20.05 «Олқиш».
20.30 «Яхши-ёмон йигитлар». Т/с.
21.00 «Оқшом наволари».
21.30 «Тв юрист».
21.35 «Мулоҳаза учун мавзу».
22.10 «Имкон қўққиси». Б/ф.

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар»
9.10 «Смак».
9.25 «Паҳлавон».
9.50 «Баҳодирлар ўйини».
10.25 Субботний «Ералаш».
11.00 «Военное дело».
11.20-14.40 Футбол. ЖЧ. Того-Франция. Украина - Тунис.
18.00 «Болалар спорти».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар»
18.50 «Сам себе режиссёр».
19.30 ЖЧ-2006 кундалиги.
19.50 Футбол. ЖЧ. 1/8 финал.
22.00 «Хабарлар»
22.20 «Музыкальный марафон».
23.00 «Иқтидор». Интеллектуал шоу.
23.50 Футбол. ЖЧ. 1/8 финал.

ЯКШАНБА 25

ЎЗБЕКИСТОН 1-ТВ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Камалак» экрани.
10.35 «Саломатлик сирлари».
10.55 «Шоҳизинда: кеча ва бугун».
11.40 «Рақснинг сеҳрли олами». М. Турғунбоева номидаги Республика ёш рақҳосалар танлови.
12.35 «Сен ухлаётганингда». Б/ф.
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
16.10 Ватан ҳақида қўшиқлар.
16.20 1. «Олтин тож». Телеўйин. 2. «Малика ва етти баҳодир ҳақида эртак». Мультфильм.
17.25 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
17.50 «Ҳамон ёдимда» 1-қисм.
18.10 «Оҳанглар оғушида».
18.20 «Ҳамон ёдимда». 2-қисм.
18.40 «Интеллектуал ринг».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома»
20.05 «50х50». Ток-шоу.
21.00 «Таҳлилнома».
21.50 «Кўҳна оҳанглар». Тожибар Азизова.
22.15 «КиноТеатр».
22.35 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
22.45 «Ошиқлар». Б/ф. 2-қисм (Ҳиндистон).

ЁШЛАР

6.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.05 Оҳанрабо.
8.50 Ватан ҳақида ўйлар.
8.55 Полапон.
9.10 «Journal»
9.30 «Қўшқулоқ».
9.50 «Камолот» хабарлари.
10.00 «Ватанпарвар» дастури.
11.05 Якшанба нонуштаси.
11.35 «Қилни қирқ ёриб...» Интеллектуал ўйин.
12.30 «Тақдир». Т/с.
13.15 «ЯНГИ КУН».
14.15 Анонслар.
14.20 Чемпион сирлари.
14.40 Футбол. ЖЧ. 1/8 финал.
16.20 Анонслар.
16.25 «Одамлардан йироқда». Б/ф.
18.30 Рўзғор мактаби.
18.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Анонслар.
19.40 Кино SMS.
19.45 Ватан ҳақида ўйлар.
19.50 «Кун тартиби». Озода Нурсаидова.
20.20 «Кулгутерапия». Абдулла қизиқ Акбаров.
21.00 «Янги наволар». Хуршид Расулов куйлайди.
21.30 Анонслар.
21.35 Эълонлар.
21.40 CINEMANIYA.
22.00 «Уч қирол жанги». Б/ф. 1-2 қисмлар.

ТОШКЕНТ

«8.00-13.00»гача кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.35 «Кино олами»
18.50 «23,5 даражали бурчак остида».
19.15, 20.55, 22.40 «Тв анонс».
19.20, 21.20 «Телекурьер маркет».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Журналист таҳлили».
20.20 «Тв юрист».
20.25 «Туризм ҳақида».
21.00 «Оқшом наволари».
21.30 «Нима учун?»
22.10 «Тв юрист».
22.15 «Сиз кутган учрашув».
22.45 «Кавказ асираси». Б/ф.

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар»
9.10 «Непутевые заметки».
9.30 «Пока все дома».
10.10 «Фазенда».
11.00 «Қувноқ стартлар».
11.40 «Рақибингиз гроссмейстер».
12.00-13.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» - «Локомотив». «Машъал» - «Насаф».
18.00 «Болалар спорти».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар»
18.50 «Спорт уик-энд».
19.30 ЖЧ-2006 кундалиги.
19.50 Футбол. ЖЧ. 1/8 финал.
22.00 «Хабарлар»
22.20 «Ровесник».
22.40 «Келин-қуёв». Ток-шоу.
23.50 Футбол. ЖЧ. 1/8 финал.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш ҳақидаги тартиби тўғрисида»ги ПФ-2145-сонли Фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Янгийўл тумани Ниёзбош ижтимоий-иқтисодёт касб-ҳунар коллежи	Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ниёзбош қишлоқ фуқаролар йиғини, Намуна маҳалласи, Тошкент шоҳ кўчаси. Инд. 702844.
2.	Паркент тумани тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи	Тошкент вилояти, Паркент шаҳри, Истиқбол мавзеси, А. Навоий шоҳ кўчаси. Инд. 702222.
3.	Бўстонлиқ тумани Ғазалкент хизмат кўрсатиш иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Бирлик кўчаси, 21-уй. Инд. 702180.

II. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигидаги 2005 йил 28 март 1461-сонли «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларни бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги низомнинг янги тахририни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига биноан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган таълим муассаса директорининг ўринбосари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:
1. Янгийўл тумани қишлоқ хўжалиги КҲК.

2. Директорнинг касб-ҳунар таълими бўйича ўринбосари лавозимига:
1. Янгийўл тумани қишлоқ хўжалиги КҲК.

3. Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:
1. Чирчиқ шаҳар Олимпия захиралари КҲК;
2. Қибрай тумани агротижорат КҲК.

Таълим муассасаси директорининг ўринбосари лавозимига ҚАЙТА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:
1. Чиноз тумани Олмазор қишлоқ хўжалиги КҲК;
2. Вилоят педагогика коллежи.

2. Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:
1. Чирчиқ шаҳар қурилиш ва коммунал хўжалиги КҲК;
2. Ангрен шаҳар қўмир-саноати касб-ҳунар коллежи.

3. Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:
1. Чирчиқ техника КҲК.

III. Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагог иш стажига эга, таянч маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

**IV. Танловда иштирок этиш хоҳишини билдир

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт

«ЮЛДУЗ»ЛАР ҲОЗИРЧА ПОРЛАМАЯПТИ...

Футбол бўйича 2006 йилги жаҳон чемпионати ўйинлари қизғин паллага кирди

Айниқса, «F» гуруҳи вакиллари — Бразилия ҳамда Хорватия жамоалари ўйини кескин курашларга бой бўлди. Майдонда аввалги Рональдо қиёфасини кўра олмадик. Кўпгина қулай вазиятлардан фойдалана олмаган машҳур ҳужумчи ҳимоячилар қуршовида қолиб кетди. Адриано ҳам дуруст ўйин кўрсатолмади.

Мураббий Кака ва Рональдиньоларга умид боғлаганлиги шу ўйинда яққол кўринди. Биринчи бўлим охирларида Каканинг киритган тўпи пентакомпеонларга ғалаба олиб келди.

«G» гуруҳидаги Франция ва Швейцария ўйинида французлар жуда кўп қулай вазиятлардан фойдалана олишмади. Анрининг юз фоизлик имкониятда ҳам дарвозани аниқ нишонга ололмаганлиги кўпчиликни ажаблантирди. Зиданни-ку, умуман таниб бўлмади. Жамоа ўйинидаги палапартишлик, тўп узатишдаги хатолар охир-оқибат ўйиннинг дуранг билан якунланишига сабаб бўлди.

Шу гуруҳдан жой эгаллаган Жанубий Корея ҳамда Того жамоалари биринчи бўлимдаёқ майдон марказини эгаллашга интилишди. Кореяликлар эътиборни кўпроқ қанот ҳужумларига қаратди. Африкаликлар эса 37-дақиқада ҳисобни очишга эришишди. Аммо, иккинчи бўлимда қитъадошларимиз жуда мазмунли ўйин кўрсатиб, майдон марказида ҳукмронлик ўрнатишди. Ли Чун Со ва Ан Жун Хванлар киритган тўплар эвазига ғалаба улар қўлига ўтди.

Сўнгги «H» гуруҳида Испания ва Украина жамоалари тўқнаш келишди. Бироқ пешқадам жамоалар қаторида тилга олинаётган украинларнинг йирик ҳисобда (4:0) мағлубиятга учраганлари кутилмаган ҳол бўлди. Испанларнинг жаҳон чемпионатига кўтаринки руҳда келганлиги яққол кўзга ташланди.

«A» гуруҳининг иккинчи даврасида Германия ҳамда Польша жамоалари ўйини томошабинлар кутгандан ҳам шиддатли кечди. Биринчи ўйинда мағлубиятга учраган поляклар ғалабага умид боғлашган эди. Аммо, қудратли «немис машинаси»ни шу оқшом тўхтатиб бўлмади. Қанотлардан, баъзан марказдан тинимсиз ҳужумлар уюштиравериб, охир-оқибат ҳолдан тойган польшалик футболчиларни доғда қолдирдилар. Ўйин охирида «мотор одам» дея ном олган Оливер Нойвилл дарвозабонни хато қилишга мажбур этиб, учрашувдаги ягона тўпни киритди.

Ўтган турда мағлубият аламини тотиб кўрган Коста-Рика бу сафар Эквадорга қарши майдонга тушди. Учрашувнинг илк дақиқаларидаёқ эквадорликлар тинимсиз ҳужумлари билан майдон марказини эгаллаб, ташаббусни ўз қўлларига олишди. Айниқса, ҳимоя ва ярим ҳимоя чизиғида умуман хатоликларга йўл қўйилмай, ҳужумчилар тўп билан яхши таъминланди. Костарикаликларнинг қарши ҳужум тактикаси ҳеч қандай самара бермади. Биринчи бўлимда битта, иккинчи бўлимда эса икки тўп киритган эквадорликлар муддатдан аввал кейинги босқич йўлланмасини накд қилиб қўйишди.

«В» гуруҳининг иккинчи турида Швеция ҳамда Парагвай жамоалари учрашуви мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Парагвайликлардан фарқли ўлароқ ҳужумкор ўйин намойиш этган шведлар ўйиннинг сўнгги дақиқаларида Фредрик Юнберг киритган ягона тўп эвазига ғалаба қозонишди.

Ушбу турда Англия Тринидад ва Тобаго жамоаси билан баҳс олиб борди. Свен Йоран Эрикссон танлаган тактика ўз самарасини берди. Ярим ҳимоячилар ва ҳужумчилар ўртасидаги боғлиқлик кўп ҳолатларда рақиб ҳимоячиларини саросимага солиб, хато қилишларига сабаб бўлди. Питер Крауч ва Стивен Жеррардлар киритган икки тўп инглизлар ғалабасини таъминлади.

Отабек ЭЛТОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
спорт шарҳловчиси.



ЖАЖЖИ ҚАЛБДА ШИЖОАТ

Янгийўл шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етишлари йўлида қатор тадбирлар уюштирилмоқда. Айниқса, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасидаги кўрик-танловлар яхши самара бермоқда. Хусусан, «Жажжи санамлар», «Севимли ўйинчоқлар» каби танловлар шулар жумласидандир.

Яқинда тарбияланувчилар ўртасида «Соғломжон-полвонжон» мусобақалари бўлиб ўтди. Беллашувларда жажжи ўғил-қизлар ўз маҳоратлари, спортга бўлган иштиёқларини намойиш этишди.

Мусобақаларда 8,- 13,- 12-мактабгача таълим муассасаларининг жамоалари совринли ўринларни қўлга киритишди.

СУРАТЛАРДА: *«Соғломжон-полвонжон» кўрик-танловидан лавҳалар.*

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Шундан кейин

БЎЙ-БАСТИ ҲАМ МУҲИМ

Молдавия бош вазири Василий Тарлев пайшанба куни ички ишлар вазирига кўчалардаги қориндор полициячиларни вазирликдаги бошқа ишга ўтказишни буюрди.

Мамлакат йўл полицияси бошқармасининг янги чекловларига кўра, унинг ҳар бир ходими чет тилини билиши, бўйи 175 сантиметрдан ошиши ва семиз бўлмаслиги керак.

ПАНАДА ИШЛАШ АФЗАЛРОҚ

Microsoft корпорацияси президенти Уильям Гейтс компанияни бошқариш билан боғлиқ кундалик юмушлардан четлашиб бормоқда.

Дастурлар таъминотининг йирик ишлаб чиқаришига раҳбарлик вазифаларини топшириш секин-аста амалга оширилиб, мазкур жараёнга 2008 йил июлда нуқта қўйиш режалаштирилган. Бироқ шундан кейин ҳам Гейтс компания бошлиғи ва соҳа тараққиётининг ҳал қилувчи лойиҳалари бўйича маслаҳатчи бўлиб қолаверади.

ТИЛЛАНИНГ КОНИ ТАГИМИЗДА

Австралиялик геофизиклардан бирининг таъкидлашича, ер ўқи олтинга бой эмиш.

Сайёра марказидаги мазкур металл захиралари замин сатҳини ярим метр қалинликда қоплашга етарли экан. Олим сайёрамиз таркибига ўхшаш бир қатор метеоритларни таҳлил қилиб чиққач, шундай фикрга келганини айтмоқда.

ОЛИМА БЎЛИШ ҚИЙИН

Англиялик талаба Лорен Портер илмий даража олиш учун Ferrari автомобилининг бўй баравар макетини жундан тўқиди.

Бунда унга 20 нафар қариндошлари ва дўстлари кўмаклашишганмиш. Аммо, асосий ишни қизнинг ўзи бажарганлиги алоҳида таъкидланмоқда.

НОЧОРЛАРГА МАДАДКОР ҚЎЛЁЗМАЛАР

Эйнштейннинг ўз қўли билан тузатишлар киритилган ва 1901-1925 йиллар давомида чоп этилган 94 илмий мақоласи Christie`s аукционида 42 минг долларга сотилди.

Сотувчи савдодан тушган барча маблағни ишчи оилалар партияси жамғармасига ўтказишни ваъда қилмоқда. Лотни эса, Лонг-Айленд китоб дўконларидан бирининг эгаси харид қилди.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali»

Сизларни "Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali" савдолар залида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2006 йил 18 июль куни соат 12.00 да ўтказиладиган юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. Тошкент вилояти "Қибрай шароб савдо" шўъба корхонасига қарашли Нексия русумли, давлат рақами 11 AF 488, 1997 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси – 5 125 750 сўм.

2. Тошкент вилояти "Regional Geologiya" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли Газ-31029 русумли, давлат рақами 11 AE 085, 1994 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси – 714 000 сўм.

3. Тошкент вилояти "Regional Geologiya" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли Уаз-452 русумли, давлат рақами 11 AI 677, 1984 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси – 774 900 сўм.

4. Янгийўл тумани Давлат солиқ инспекциясига қарашли "Дорган" русумли, давлат рақами 11 AB 834 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси – 1 015 000 сўм.

5. "PARKENT SHAROB SAVDO" шўъба корхонасига қарашли "ГАЗ-31029" русумли, давлат рақами 11 AN 512, 1994 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси – 714 000 сўм.

Ушбу автотранспорт воситалари савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Автотранспорт воситалари сотилмай қолган тақдирда 2006 йил 25 июль ва 1, 8, 15, 22, 29 август кунлари соат 12.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қўйилади.

Имкониятингизни бой берманг!

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, 133-49-31, факс: 133-43-73.

Тунов куни чипта олгани вокзалга чиқсам, собиқ курсдошим Элмуродни кўриб қолдим. Қўлида катта сариқ портфель, янги вокзалнинг нақш-нигорли шифтига анқайиб турибди. У телеминиатюрада чиқадиган бақалоқ артистга ўхшаса-да, доим елиб-югуриб юрадиган қувноқ йигит эди. Шунинг учун кўпинча ҳазиллашиб Елмурод дердик.

Секин бориб биқинидан турттдим:

— И-и, оғзингни юм, Елмурод, пашша киради.

Элмурод ялт этиб ўгирилди.

— Ҳалиям қитмирлигинг қолмабди, ҳарфхўр! — деди ёлғондан қовоқ солиб. Қучоқлашиб кўришдик.

Элмурод Наманганнинг олис бир қишлоғида ўқитувчи бўлиб ишлар экан. Уч кунлик семинарга келибди.

— Уйга обкетай, окаси, — дедим жиғига тегиб, — офтобда ўтириб бир қатиқ ялашамиз.

У қўл силтади:

— Ке, қўй, бошимни қотирма. Ҳозиргина биттасининг ўтакасини ёриб келаяпман, жуда кўнглинг ийиб турган бўлса, иккита морожний олиб бера қол. Ичим ёниб кетяпти. Унгача поезд келиб қолади.

Анҳор бўйидаги кафега бориб, четроққа ўтирдик. Элмурод кула-кула бояги «ўтакаси ёрилган» одамни айтиб берди.

— Болаларга совға-салом ола кетай, деб бозорчага кирсам, Миржалилни учратиб қолдим.

— Қайси, анави Мирзатеракми? Олифта?

— Ҳа, — деди Элмурод, қошиқча билан музқаймоқни аралаштириб, — қўлини орқасига қилиб, айланиб юрибди.

— Унинг иши йирик, — дедим, — профессорнинг қизига уйланган. Кўша-кўша дўкон очган.

— Шунақа экан. Хуллас, мени кўрди-ю, уйга опкетаман, деб ёпишиб олди...

Ўқиб юрганимизда Элмурод билан Миржалил кўп ҳам чиқишавермасди. Ҳайрон бўлдим:

— Ҳм, тинчликми? Қаёқдан кун чиқибди? Миржалилнинг бунақа... ёмон одати йўқ эди-ку?

— Коса тагида ним коса бор, дўстим, — деб кулди Элмурод, — баҳорда у хотини билан дам олгани Чортоққа борган экан. Мени йўқлатибди. Қўлимдан келганча хизмат қилдим. Поччаотага олиб чиқдим. Ғовасойларни айлантирдим. Ишқилиб, хурсанд бўлиб кетишди, шекилли.

— Тушунарли. Энди мен ҳам одамгарчилик қилай, деган-у, сени қўярда-қўймай уйига олиб кетган. Топдимми?

— Йўқ, — бош чайқади Элмурод. — Олдинига ҳадеб қистайверди. «Хотин ҳалигача сени тилидан тушурмайди. Мақтагани мақтаган. Бизникига кетамиз. Зўр-зўр оғайниларим бор. Беш-олтитасини чақираман. Новчасидан битта олиб келиб, тонг отгунча майдалаб ўтирамиз», деб туриб олди. Соатга қарасам — икки. Кечқурунгача бўшман-ку, деб рози бўлдим. «Майли, Мирзатерак! Сенинг гапинг сингунча, шайтоннинг бўйни узилсин!» демайманми? Бирдан Миржалилнинг қовоқ-тумшуғи осилиб кетди.

Мен кулиб юбордим.

— Ҳалиям соддалигинг қолмаган-да! Шунинг қуруқ манзиратига ишониб ўтирибсанми, овсар?

Курсдошим уҳ тортди:

— Қайдан билай. Аввал ишондим. Кейин олифтагарчилигини пайқаб қолдим-у, қайсарлигим тутди. Шу қилганингга, поезддан қолсам ҳам уйингга борганим бўлсин, дедим.

Элмурод битта ликопчани бўшатиб, нари суриб қўйди. Олдига иккинчисини тортиб, давом этди:

— Хуллас, судралишиб кўчага чиқдик. Трамвайда кетамизми, жўра, десам, биз томонда трамвай нима қилади, деб жеркиб берди. Унда автобусга чиқайлик дедим. Миржалил менга, бу жинни бўлганми, дегандек қаради.

— Шунақа пайтда автобусга чиқиб бўладими? Одамни қара! Минди-минди бўлиб ётибди. Бу сенга Чортоғинг эмас. Тошканнинг бир маҳалласида ўнта Чортоғнинг одами туради.

— Ҳай, унда энг осони такси. Ҳозир тўхтатаман, — дедим-у, йўлни кесиб ўтмоқчи бўлдим. Миржалил енгимдан тортди.

— Иш расво. Шу десанг кичик ўғил жуда шўх чиқди. Эрталаб кўчада тўп ўйнаётган экан, бир бола оёғига тепибди. Тўпиғи ёрилиб кетибди. Шунга мўмиё излаб кетаётган эдим.

— Э, чакки бўпти, — дедим кўнгли учун, — палакат-да, палакат. Иссиқ-иссиқ шўр пахта босса, тузалиб кетади.

Миржалил мени ўғлидай уришиб берди:

— Шўр пахта қайнатишга олов керакми ахир?

— Газ ўтмаганми уйларингга?

— Худога шукр, оқма газим бор, — деб керилди у, — бироқ уч кундан бери келмай қолди. Чой қўйиб ичишга ҳам зор бўлиб ўтирибмиз.

— Электр бордир?

— Икки кун бўлди у ҳам йўқ. Кабель узилганмиш. Э, дўстим, бизнинг кўрган кунимизни сўрама, — деди афсусланиб, — уй совуқ. Ўчоқ ёқишга ўтин қолмабди. Магазиндан консерва-понсерва олиб кириб еймиз-у, қоронғи тушмасдан кўрпага шўнғиймиз. Уч бола, эр-хотин, ҳаммамиз бир уйда тиқилиб ётибмиз. Иморат чала. Бир ёқда уста ишлаяпти. Шунақада меҳмон келиб қолмаса гўргайди, деб хотин ташвишда.

Қарасам, у мени остонасига ҳам йўлатмайдиган. Аҳмоғингни топибсан, барибир уйингга бораман, деб қўйдим ичимда.

— Менга қара, Миржалил, — дедим, — ҳозир тўғри Эски жўвага тушамиз. Мен икки кило гўшт, тўртта шам, битта керосин, беш литр керосин оламан. Студентлик йилларимизни эслаб, бир яйраб ўтирамиз. Биласан, мен унақа нозик меҳмонлардан эмасман. Кетдикми?

Миржалил чайналди:

— Майли-ю, лекин биласанми, кейинги пайтларда ошқозон сал чатоқроқ... Ичолмаяпман.

— Ким сенга ич, деяпти? Ҳали оғайниларинг бор-ку? Машина тўхтатайми?

— Шошма-чи, — деди Миржалил иккиланиб. Кейин шап этиб пешонасига урди, — ие, бугун уйда хотин йўғ-у! Азонлаб ойимларни кўриб келаман, деб ўтирувди.

— Унда йўл-йўлакай келинни ҳам ола кетамиз.

— Қизиқмисан? Қачон менга машина келар экан, деб кутиб ўтирибдими? Ойисиникидан акасиникига ўтиб кетган бўлиши керак. Қайноғам Франция, Италия қилиб, айланиб келибди. Ҳали ўзим ҳам кўра олмадим.

— Жуда соз! — деб ўрнимдан турдим. — Бир йўла табриклаб ўтамиз. Хурсанд бўлади. Машина тўхтатайми?

Миржалилнинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Майли-ю, мен меҳмондан қочадиган номард эмасман, биласан, лекин...

Ўткинчи машинага қўл кўтаргани энди йўл четига чиқувдим, Миржалил бақириб юборди:

— Ие, оғайни! Манавини қара! — у чўнтагидан бир шода калит олди. — Эрталаб эшикни қулфлаб чиқаверибман! Видеомагнитафоним сайраб ётганди, газ ўчоқ ҳам ўчмаган эди. Уйим куйди. Кечирасан, оғайни, мен чопдим!

У шоша-пиша қўлимни қисди-ю, лўкиллаб кетди. Кўчанинг нариги бетига ўтиб олиб қичқирди:

— Ҳўв, Элмурод, бемалол бўлиб келгин-а, дўстим? Ётиб олиб, бир отамлашамиз! Хайр! Дадангга салом де!

— Хуллас, профессорнинг куёви қочиб кетди, — деди Элмурод ва соатига қаради-ю, ирғиб турди. — Ие, Наманганнинг поезди ҳам қочиб кетишига сал қолибди-ку!

У портфелини кўтариб югурди. Анча ерга бориб ўгирилди:

— Ҳўв, қитмир, бемалол бўлиб, бир боргин, сув қўшилмаган қатиқдан ичиб келасан!

Саъдулла СИЁЕВ

Вилоят ҳокимлиги жамоаси вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Мирсамат Адиловга отаси **Аъзам АДИЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-840. Адади 5761. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.40. 2 3 4 5 6